

корхонасининг электр тармоғига истеъмолчи томонидан узатилган электр энергияси микдорига мутаносиб равишда, ягона электр энергетика тизимининг электр тармоқларидаги технология сарфлари ўтказилади.

3.10. Электр энергияси сарфга тўғрисидаги ҳисобот Истеъмолчи томонидан тақдим этилмаган тақдирда, Таъминотчи корхона томонидан электр энергияси (шу жумладан актив ва реактив энергия) истеъмолчининг шартномасини микдори бўйича ёки ўтган ҳисоб-китоб давр учун электр энергияси истеъмолчининг ўртacha сўтқаллик амалдаги микдори тўғрисидаги маълумотлар асосида ҳисоб-китоб қилинади.

Бунда ҳисобга олиш приборлари кўрсаткичлари назорат тартибда Таъминотчи корхона томонидан ёзиб олингандан кейин амалда истеъмол қилинган электр энергияси учун қайта ҳисоб-китоб қилинади. Қайта ҳисоб-китоб Истеъмолчи ёки унинг вакили иштирокида ёхуд унинг иштирокисиз белгиланган тартибда амалга оширилади.

3.11. ЭХНАТнинг жорий этилиши муносабати билан Истеъмолчининг ҳисобга олиш приборларидagi кўрсаткичлар автоматлаштирилган тизимнинг техник параметрларига мувофиқ, бироқ бир ойда қамила бир марта ёки Истеъмолчининг буюртмаси бўйича ёзиб олинади.

Таъминотчи корхона Истеъмолчининг шахсий ҳисоб-рақам ва ҳисобга олиш приборларининг ҳолати ҳақида батафсил маълумотлар доимий асосда шакллантирилиши ва идораларро электрон ҳамкорлик қилиш тизимига реал вақт режимида юборилишини таъминлайди.

3.12. Шартномада ҳисоб-китоб даври учун кўрсатилган энергия микдордан 5 фондан ортиқ микдорда энергия истеъмол қилганда, Истеъмолчидан шартномада кўрсатилган микдордан ортиқ истеъмол қилинган электр энергияси жами ҳажми учун белгиланган тарифнинг 1,15 баравари микдорда тўлов ундирилади.

Истеъмолчининг электр энергияси ҳақини тўлаш, реактив энергия компенсацияси учун тарифга устамалар, шунингдек, ноқонуний фойдаланилган электр энергияси қайта ҳисоб-китоб ва пеня бўйича қарин бўлган тақдирда, унинг аванс тўлови ҳисобга ўтказилган маблағлари қарзга қоплагна йўналтирилади ва аванс тўлови (олинган ҳақ тўлов) сифатида ҳисобга олинмайди.

Истеъмолчи шартномада кўрсатилган электр энергияси ҳажмини тўлик истеъмол қилмаган тақдирда, аванс тарикасида тўланган маблағлар қайтариб берилмайди ва электр энергия учун кейинги ҳисоб-китобларда ҳисобга олинади.

Ҳисоб-китоб ойдан кейинги календар ой тугагач қарздорлик тўлов муддати ўтган деб ҳисобланади ва тўлов муддати ўтган ҳар бир кун учун Истеъмолчига тўлов муддати ўтган сумманинг 0,1 фоиизи микдорда, электр энергияси маҳсуе тартибда етказиб бериладиган корхоналар учун эса 0,2 фоииз микдорда пеня ҳисоблаб ёзилади. Бунда пенянинг умумий микдори, муддати ўтган тўловнинг 50 фоииздан ошмаслиги лозим.

3.13. Истеъмолчи ва Таъминотчи корхона ҳар ойда ҳисоб-китоб даври тамом бўлгандан кейин беш кун мобайнида ўзаро ҳисоб-китобларнинг таққослаш далолатномасини тузлади.

3.14. Истеъмолчини қуйидаги ҳолларда электр тармоқларидан узилди:
ҳисоб-китоблар ўз вақтида амалга оширилмаганлиги оқибатида фойдаланилган электр энергияси учун қарздорлик мавжуд бўлганда;

Таъминотчи корхонанинг қонуний талабномалари бажарилмаганда, шу жумладан, унинг тегишли вакилларига ҳисобга олиш приборлари кўрсаткичларини олишга йўл қўйилмаганда;

ҳисобга олиш приборларини каслдан бузганда, кўрсаткичларини ўзгартириш максалида уларнинг ишлашига ташқаридан аралашини ҳатти-ҳаракатлар амалга оширилганда.

электр энергиясидан ноқонуний фойдаланилгани, электр тармоқларига ноқонуний улашиш, талон-тарож қилиш ёки Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 12 январдаги 22-сонли Электр энергиясидан фойдаланиш Қоидалар (кейинги ўринларда Қоидалар деб аталади)нинг бузилишинг бошқа ҳолатлари аниқланганда.

Ягона электр энергетика тизимида электр энергия ва қувватга таъсирик вужудга келганда, аварияларга йўл қўймаслик ва истеъмолчиларнинг тартибсиз узиб қўйилишининг олдини олиш максалида Худудий электр тармоқлари корхонаси ўчириш вақтини кўрсатган ҳолда, истеъмолчилардан рекламалар, иллюминациялар, бино ва иншоотларни ёриткичларини, электр иситиш ва иссиқ сув билан таъминлан қурилмаларини ўчириб қўйишни талаби бажарилмаганда;

Сул оларининг қонуний кучга кирган қарорларига асосан.

Истеъмолчилар ва субистеъмолчилар (ижарачилар), тadbиркорлик субъектлари ёхуд фуқаролар ўртасида турли хил низоли (қелишмовчилик) ҳолатларда, фақатгина сулинг қонуний кучга кирган қарорларига асосан Таъминотчи корхона электр тармоқдан ажратилиш ёки қайта улашни амалга оширади.

3.15. Ҳисобга олинмаган энергия учун амалга оширилган қайта ҳисоб-китоб, Истеъмолчини қонуни ҳужжатларида белгиланган тартибда Қоидаларни бузганлик учун жавобгарлиқдан озол этмайди.

3.16. Таъминотчи корхона етказиб берилган электр энергия учун қарздор бўлган Истеъмолчига қарзини беш кун ичида тўлашни ҳақида хабардор қилишни таъминлайди.

Таъминотчи корхона Истеъмолчини хабардор қилинган вақтдан бошлаб беш кун муддат ўтгандан сўнг, Истеъмолчини дебитор қарздорлик учун тармоқдан узиб қўйиш ва уларни қайтадан улашни қонуни ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширади.

Қайта улашишда Истеъмолчидан тўлов куни амалда бўлган базавий ҳисоблаш микдорининг ўй баравари микдорда ҳақ ундирилади. Бунда, ЭХНАТга уланган ҳамда ҳисобга олиш прибори автоматик тарзда ўчириб-ёқилиш қурилмасига эга бўлган истеъмолчиларни тармоқларига қайта улашни учун ҳақ ундиримайди.

3.17. Истеъмолчи электр тармоқларининг техник ҳолатини таъминлаш бўйича эксплуатация харажатлари учун субистеъмолчилар, истеъмолчи билан субистеъмолчи ўртасида тузилган алоҳида шартнома бўйича электр энергиясининг умумий ҳажмидан олинадиган улушга мутаносиб равишда ҳақ тўлайди.

Эксплуатация харажатларини субистеъмолчига бериладиган электр энергияси тарифга қўшишга руҳсат этилмайди.

3.18. Хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари ва коммунал-эксплуатация ташкилотлари, электр энергиясидан аҳолига электр энергияси етказиб бериш максалида фойдаланувчи илоравий ва муниципал уй-жой фонди, юридик шахслар ётоқхоналари, диний ташкилотлар ва оилавий корхоналар, шунингдек, электр энергиясидан аҳоли хתיёжлари учун фойдаланадиган локал қозонхоналарга маиший истеъмолчиларга белгиланган тариф қўлланилади.

3.19. Электр энергиясини ҳисобга олиш прибор билан биргаликда фойдаланиладиган ўлчов трансформаторларини бошқа жойга ўрнатиш ва алмаштириш Таъминотчи корхона билан қелишилган ҳолда амалга оширилади.

Истеъмолчининг айби билан электр энергиясини ҳисобга олиш приборига зарар етказилган (пломбаси бўзилса, ойнаси синса ва бошқалар), электр энергиясини ҳисобга олиш приборини улаш схемаси ўзгартирилган, ҳисобга олиш асбобининг хотира блоки ва уни дастурланган фойдаланиш тўлмасига (булмасига) ташқаридан таъсир кўрсатилган, электр энергиясини ҳисобга олиш приборидан ташқари электр қабул қилгичларни улаш ёки энергия бошқа усулда ўтирилган ҳолларда, Таъминотчи корхонанинг вақолатли вакили белгиланган шакл бўйича қондани бузиш